



Сизлардан биронтангиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича мўмин бўлмайди», — дедилар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ходимлари - Абу Ҳамза Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлардан биронтангиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича мўмин бўлмайди», — дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилдилар-ки, мусулмоннинг иймони тўлиқ бўлиши учун у ўз диндоши учун ҳам худди ўзига яхши кўрган нарсаларни, жумладан, ибодатлари ва дину дунёдаги турли яхши амалларни раво кўриши, шунингдек, ўзига ёмон кўрган нарсаларни унга ҳам ёмон кўриши шарт. Иймони комил банда агар бирор мусулмонда дин жиҳатидан камчилик кўрса, уни ислоҳ қилишга ҳаракат қилади. Агар унда яхшилик кўрса, уни мустаҳкамлайди ва ёрдам беради. Унинг дини ёки дунёсида унга самимий маслаҳат беради.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66520>

